O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 13 июль, № 134 (4033) Пайшанба

Серҳосил токзорлар

Суратдаги чеҳрасидан нур ёғилиб турган боғбон қиз Одинахон Юсуфжонова. У меҳнат қилаётган Янгиқўрғон туманидаги «Жаҳонов Акрамжон» номли узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги аъзоларининг қир-адирда 4,5 гектарлик токзори бор. Эл дастурхонига лаззатли ноз-неъматлар етиштириш ҳадисини олган миришкорлар жорий йилда мулк шаклини ўзгартириб, янада унумли меҳнат қилмоқдалар. Токзорларда баракали ҳосил етиштирилмоқда. Шундан уларнинг кайфиятлари ҳар қачонгидан кўтаринки. Боғбон фермернинг режасича, бу йил токзорлардан 67 тонна хўраки узум йиғиштириб олинади. Шартномага мувофиқ ҳосилнинг 60 тоннаси Россия Федерациясига экспорт қилинади.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида Қорақалпоғистондаги касб-ҳунар коллежлари сони яна тўрттага кўпайди. Бу йил Оролбўйидаги 76 та коллежга 26 минг 810 нафар йигит-қиз қабул қилинади.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ ИШ БОШЛАДИ

Янги очилган Нукус ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига ҳам абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинмоқда. Бу ерда ёшларга ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, банк иши, тадбиркорлик фаолияти, молия, статистика, бошқарув ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича сабоқ берилади.

Коллежнинг янги биносини "Массагет" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этмоқда. Ўқув заллари, компьютер синфхоналари, лаборатория, кутубхона, ошхона тез кунларда ёшлар ихтиёрига берилади.

Лойиҳанинг иккинчи навбатида ётоқхона ва спорт мажмуаси бунёд этилади.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИЛАР

Рединг Университетининг Евроосиё тадқиқотлари маркази Марказий Осиё, Кавказорти ва Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодий ривожланиши йўналишларини таҳлил қилишга бағишланган «Ўтиш давридан сўнг: глобал дунёда ривожланаётган иқтисодиётлар» конференциясини ўтказди.

Конференцияда Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги, Буюк Британия, Ирландия, Швейцария, Голландия, Туркия, Чехия, Австралия университетлари ва таҳлил марказлари, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, «Бритиш Петролеум», «Шелл», «Баррен Энержи» ва халқаро рейтинг агентликлари экспертлари ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Ушбу чиқишларда собиқ Шўро Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар, хусусан Марказий Осиё республикаларидаги иқтисодий ислоҳотлар таҳлили ўз ифодасини топди.

Аделаида университети (Австралия) профессори Ричард Помфрет Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш моделларининг қиёсий таҳлилини тақдим этиб, ўтган аср 90-йиллари ўрталаридаёқ иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга ва иқтисодиётни ривожлантиришни давом эттиришга муваффақ бўлган Тошкентнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатининг муваффақиятли эканини қайд этди. У ўтиш даврида Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг яхши стратегияси ишлаб чиқилганини таъкидлади.

Р. Помфрет Истанбул университети вакилиниши Ўзбекистоннй бозор иқтисодиёти тамойилларига риоя қилаётган деб ҳисоблаш мумкинми деган саволига жавоб қайтарар экан, бундай савол қўйилишининг ўзи нотўғри эканини далиллар билан асослаб берди. Унинг сўзларига қараганда, давлатнинг иқтисодий жараёнларда иштирок этиши — бу табиий жараёндир. Ўтган аср ўрталаридаги кўплаб замонавий бозор иқтисодиётлари, жумладан Европа давлатлари бозор иқтисодиёти ҳамда «Туркия модели» деб аталмиш иқтисодий ривожланиш усулининг юзага келиши тарихи бундан далолат беради.

Олим Қозоғистоннинг иқтисодий ўсишига нисбатан ишончсизлик билан муносабатда эканини қайд этди. Зеро, нефть нархининг кескин қимматлашуви узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тожикистон иқтисодиётининг юқори суръатларини шарҳлар экан, Р. Помфрет сиёсий можородан сўнгги тикланишнинг намойиш этилишини ривожланиш кўрсаткичлари сифатида кўриб чиқиш асоссиз эканини таъкидлади. Австралия эксперти, шунингдек, Қирғизистоннинг ҳали узоқ муддат давомида хориж кўмагига тобе бўлиб қолишини қайд этди.

Конференция қатнашчиларининг жиддий эътибори Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг сокин ва ижтимоий ларзаларсиз амалга оширилаётганига қаратилди.

Лидс университети (Буюк Британия) профессори, «Евроосиё тадқиқотлари» журнали муҳаррири Кристоф Блуснинг таъкидлашича, СССР парчаланганидан сўнг унинг ҳудудида хавфсизлик бўшлиғи юзага келган. Яъни ягона шўро армияси мисолидаги кафолат энди мавжуд эмасди, кўпчилик республикалар, жумладан, Россия ўз ички муаммолари билан банд эди ва «янги дунё тўғрисидаги хаёллар» билан яшаётганди. Мустақилликни қўлга киритиши билан ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга улкан аҳамият қаратган Ўзбекистон эса бундан мустасно бўлди деди, буюк британиялик олим. Тошкент мустақил равишда «глобал ўйинчилар билан стратегик муносабатларидан келиб чиқиб, минтақадаги кучларнинг геосиёсий мувозанати даражасини» белгилай олди.

Унинг фикрича, Россия 90-йиллар бошида Марказий Осиё мамлакатлари томонидан «таҳдид эҳтимоли ва хавфсизлик кафолати эҳтимоли» сифатида қаралган бўлса, ҳозир эса терроризм ва энергетика манфаатлари ушбу мамлакатларнинг сиёсий нуқтаи назарларини бирлаштирган кўринади. У, шунингдек, минтақа мамлакатларининг давлатлараро муносабатларни ривожлантириш хусусиятларига ва Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратаётганига эътиборни жалб этди ва Ўзбекистон-Россия алоқалари турли соҳаларда тобора ривожланиб бораётганини қайд этди.

Конференцияда халқаро экспертлар ўз жуғрофий жойлашуви билан энергия ресурсларини етказиб берувчи транспорт йўлакларига таъсир этувчи марказга айланаётган Ўзбекистоннинг геосиёсий аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлашди.

Буюк Британиянинг Глобал энергетик тадқиқотлар маркази етакчи таҳлилчиси Жулиана Ли ва Рединг университети Евроосиё тадқиқотлари маркази директори Елена Калюжнованинг фикрича, Марказий Осиёдаги «катта энергетик ўйин»нинг бош хусусияти бу — трансмиллий корпорациялар эмас, балки давлат компаниялари аҳамиятининг ўсишидир. Улар орасида ҳам минтақа (Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ва Хитой), ҳам Осиё (Ҳиндистон, Малайзия, Жанубий Корея) компаниялари бор. Ж. Ли Арктикада қазиб олинадиган газнинг Марказий

(Давоми 2-бетда).

Шахмат тожини кийган ўзбек ўғлони

Бундан икки йил муқаддам Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини кийган эди.

Албатта, дунёда спорт турлари кўп. Лекин, «ақл гимнастикаси» деб эътироф этиладиган шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Буни Рустамгача жаҳон шахмат тожини кийиш саноқли кишиларгагина насиб этгани ҳам исботлайди. Ўшанда ўзбек ўғлони жаҳоннинг манаман деган кучли гроссмейстерларини доғда қолдирганди. Бу ўзбек халқининг интеллектуал салоҳияти юқори эканлигидан, томирларида буюк мутафаккирлар қони оқаётганлигидан далолатдир.

Рустамнинг бу муваффақияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Президентимиз Фармони билан халқаро майдонда юртимиз шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида қилинаётган ишлар самараси ўлароқ, Рустамнинг издошлари кўпаймоқда. Яқинда Италиянинг Турин шаҳрида бўлиб ўтган 37-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида ҳам ҳамюртларимиз буни исботлашди.

Олимпиадада эндигина ўн етти ёшини нишонлаётган гроссмейстеримиз Темур Гареев анча ишончли ўйин намойиш этди. У саккиз очко жамғариб, пешқадамлар сафидан жой олди.

Қизлар ўртасида эса Юлдуз Ҳамроқулова яхши кўрсаткичга эришди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

В.И.Норовни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Владимир Имомович Норов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Э.М.Ғаниевни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Элёр Мажидович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 июль.

МИСЛИ ГАВҲАР ПОРЛАГАН ЭЛ

Ватанимиз мустақиллигининг шарафли ўн беш йиллиги арафасида турибмиз. Бундай дамларда ҳар бир фуқаро ўзида беихтиёр босиб ўтилган тарихий йўл сарҳисобига эҳтиёж сезади. Ўтган ўн беш йил мобайнида мустақил Ўзбекистонимиз нималарга эришди? Бугун биз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий улғайишнинг қандай поғоналарига кўтарилдик? Худди шу маънода, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирига эътибор билан қарайдиган бўлсак, ақлидрокимиз англайдиган жавоблардан беҳад мамнун бўламиз ва фахрланамиз.

Бундан ўн беш йил аввал Ўзбекистонни дунёнинг сиёсий харитасидан излаб топиш осон иш эмасди. Бугун эса Ўзбекистонсиз дунёнинг сиёсий харитасини тасаввур этиб бўлмайди. Бу — Мустақилликнинг энг улуғ неъматидир.

Яна бир улкан ютуғимиз шуки, ўтган ўн беш йил мобайнида мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат асослари тўла шаклланди. Унинг бош тамойиллари мустақиллигимизнинг илк кунларида Президент Ислом Каримов томонидан ҳар тарафлама асослаб берилган эди. Янги давлат тамойиллари Конституциямизда ҳам мустаҳкамланган. Бу шундай давлатки, у ўзида халқ иродасини ифода этади ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Ҳатто у мамлакат ва одамларни ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларнинг ҳам бош ташкилотчисидир. Худди шу жиҳати билан ҳозирги давлатимиз яқин ўтмишда мавжуд бўлган яккаҳоким, халқлар ва миллатлар иродасини ўзига мажбуран бўйсундирган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва қадр-қимматини менсимайдиган давлат тизимидан тамомила фарқ қилади. Ҳозирги давлатчилигимиз ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминламоқда, уларнинг ривожланиши учун шароит яратмоқда. Тинчлик, ижтимоий барқарорлик, ҳаёт ободлиги ва турмуш фаровонлиги, бошқа давлатлар билан ўзаро эҳтиромли муносабатда бўлиш, ички ишларга аралашмаслик, тенг манфаатдорлик ва ҳамкорлик — бу давлатчиликнинг ривожланиш тамойилларини ташкил этади.

Ифтихор

Бундай давлатчилик асосларига осонликча эришдик, деб айта олмаймиз. Ташқи ғаразли экстремистик кучлар ва ичимизда мавжуд уларга ҳаммаслак айрим бузғунчи кимсалар миллий давлатчилигимизни шакллантиришга халақит беришга кўп марталаб уринишди. Бизни давлат тузумининг ўрта асрчилик шаклларига қайтаришга, халифачилик бошқарувини қайта тиклашга уринишлар бўлди. Бунинг устига, демократик ҳуқуқий давлат қураётган ўзбекистонликларга бадаҳлоқ, беҳаё демократия тамойилларини тиқиштиришга интилаётган сиёсий кучлар, оқимлар ҳам йўқ эмас. Мана шундай шароитда биз, мақсадимиздан адашмай, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олувчи, айни пайтда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таянган янги давлатчилигимизни собитқадамлик билан барпо этиш йўлидан бордик.

Давлатни демократиялаш йўли изчил давом эттирилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси ва унда баён этилган олти устувор йўналиш «йўлчи юлдуз» бўляпти.

Ҳаётнинг бошқа йўналишларида, масалан, иқтисодиёт соҳасида ҳам ўзлигимиз яққол кўзга ташланмоқда. Мисол тариқасида Асака автомобиль заводини олиб кўрайлик. Бундай корхонани мустабидлик даврида орзу ҳам қила олмас эдик. Аввало, мана шу корхона туфайли Ўзбекистон жаҳондаги 28 та машинасозлик давлатларидан бирига айланди. Иккинчидан, «Дамас», «Тико», «Матиз», «Нексия», «Ласетти» каби «ЎзДЭУавто» маркалари Ўзбекистон номини дунёга ёймоқда. Бугун бизнинг автомобилларимиз халқаро бозорларда дунёга машҳур «Тойота», «Форд», «Мерседес-Бенц» русумли автомобиллар билан дадил рақобатга киришяпти. «Нексия» автомобили Россия бозорларида ўтган йил бешинчи ўринда эди. Харидоргирлиги жиҳатидан бу йил иккинчи ўринга кўтарилибди. Демак, ўзбек автомобили анча-мунча доврўқли автомобилларни ортда қолдирмоқда. Бу улғайиш кўрсаткичи эмасми?! Ёки ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон 6 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан оларди. Бугун биз нефть ва газ маҳсулотларини чет давлатларга экспорт қиляпмиз ва катта даромад оляпмиз.

Улғайиш халқимиз маънавиятида ҳам ёрқин жилоланиб турибди. Онгдаги, дунёқарашдаги бугунги илғор савия шундан далолат беради. Яқинда Президентимиз ташаббуси билан Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида германиялик тадбиркорлар иштирокида «Бизнес-форум»лар ўтказилди. Сир эмас, чет эллик бизнесчилар баъзан аҳолимизнинг тадбиркорлик уқувига ишонқирамасдан қарайди. Аммо Термиз ва Самарқанддаги учрашувлар уларнинг фикрини ва юртимизга муносабатини тамомила ўзгартириб юборди. Немис тадбиркорлари бу чет вилоятлардаги тадбиркорларнинг ҳозирги бозор иқтисодиёти қонунлари, лойиҳалар ва дунё корхоналари тўғрисида ўзлари билан теппа-тенг савияда фикр-мулоҳазалар юритаётганлигини кўришгач, ўртадаги ҳадиксираш, ишончсизлик тумандай тарқалиб кетди. Мазкур форумларда анчагина жиддий ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Мустақиллик замони одамларни, уларнинг тафаккурини, савиясини ана шундай ўзгартирмоқда...

Юқорида ўзлигимиз улғайишининг биз эришган довонлари тўғрисида тўхталдик. Ҳаёт эса серқирра ва сержилодир. Масалан, таълим, тиббиёт соҳаларида ўтган қисқа тарихий даврда эришган ютуқларимиз тўғрисида ҳам кўпдан-кўп ҳикоя қилсак арзийди. Ёки, мана, спорт соҳасини олайлик. Бугун ўзбек кураши дунёда борган сайин кенг обрў топмоқда. «Чала», «ёнбош», «ҳалол» деган ўзбекча кураш иборалари барча қитъаларда янграмоқда. Бугун ўзбекистонлик курашчилар, боксчилар, теннисчилар, шахматчилар ва бошқа спортчиларимиз билан халқаро спорт ареналарида ғоятда ҳисоблашадиган бўлиб қолишди...

Қоронғулик оғушида, зулматда тупроқ нима, дуру гавҳар, олтин нима — уларни бир-биридан ажратиб, фарқлаб кўрсатиб бўлмайди. Ҳамма нарса кун ёруғию, офтобда ўзини аён этади. Мустақиллик қуёши порлагач, Ўзбекистон сайёрамиз юзида мисли гавҳардай порлаб кўзга ташланди. Мустақил ривожланиш даврида, йил ўтган сайин бу гавҳар ўзининг янги ва янги жилолари билан чарақламоқда.

Элимизни қисқа тарихий давр ичида гавҳардай минг бир рангда жилолантирганлиги учун ҳам Истиқлолимизни энг азиз, энг улуғ қадрият деб биламиз. У бахтимизга боқий бўлсин!

М.САФАРОВ.

ИСТИҚЛОЛ ТАҚДИРИМИЗДА

Улуғ айём — мустақиллигимиз нишонланадиган кун яқинлашган сари ўтган ўн беш йилда онгимизда рўй берган ўзгаришлар бирма-бир намоён бўлаверади. Эътироф этмоқ керакки, XX асрда биз кўп соҳаларда жаҳон тараққиётидан орқада қолган эдик. Шу асрда кимлардир фазога парвоз қилди, кимлардир Ойга учди. Бизнинг эса Оролимиз қуриди, еримиз юзини шўр қоплади. Коммунистик мафкура "оқ олтин"ни олтин қўллар яратади, дея овутди. Шу ўринда тўғрисини айтиш керак, ишонувчан, мақтовга бирозгина мойилроқ эканлигимиз бизга панд берди. Алданган кезларда сиёсий туткун эдик. Энди мустақилмиз, эркимиз ўз қўлимизда. Бу эса зиммамизга янада каттароқ масъулият юклайди.

Холисона айтганда, биз шўролар замонида сиёсий туткунликка учраган бўлсак-да, маънавий жиҳатдан ҳеч қачон тобе бўлган эмасмиз. Тўғри, маънавиятимизга муайян даражада путур етказилганди, лекин асосий мезонларда ўзлигимизни, миллий қиёфамизни сақлаб қолганмиз.

Мавриди келганда шуни алоҳида қувонч ва мамнуният билан қайд этиш лозимки, ўзбек миллий кураши энг кўҳна спорт турларидан бири экани қадимшунослар томонидан топилган ашёвий далиллар билан исботланмоқда. Эндиликда қадимшунослар ихтиёрида тадқиқотлар учун 7 та археологик топилма бор. Уларнинг бирида идишларга ишланган кураш манзараси

ТАФАККУРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Миллий истиқлол шарофати билан тафаккур даражамиз юксалгани баробарида тафаккур тарзимиз, фикрлаш йўсинимиз ҳам ўзгариб бормоқда. Бу ҳол кўпгина ижтимоий ҳодисаларга нисбатан бўлган муносабатларимизда ёрқинроқ кўзга ташланади.

Тиббиётда ўз вақтида тўғри қўйилган ташхис ярим даводир, деб бежиз айтилмайди. Тараққиётнинг ҳар бир босқичидаги халқ тафаккурининг ҳолати — даражаси ва тарзини тўғри баҳолаш ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир.

Маълумки, кўп нарсалар, хоҳ улар ижобий бўлсин, хоҳ салбий, таққосда яққол кўзга ташланади. Халқаро миқёсда олсак, ўтган аср давомида миллий мустақиллигини қўлдан бой бериб қўймаган, юрти мустамлака бўлмаган халқларга қараганда бизнинг турмуш анчагина оғир ва ночор кечди, кўпроқ йўқотишларга учрадик. Мамлакатимиз миқёсида олиб қарасак, халқимиз бошига не савдолар тушган бўлса, булар ўтган асрда яшаб ўтган аждодларимиз ҳамда ҳозир барҳаёт замондошларимиз, ҳар бир хонадонимиз тақдирида ўз изини қолдирган, халқимиз нималиги йўқотган бўлса, ўша талофат бирор оилани четлаб ўтмаган, халқимиз нимагаки эришган бўлса, булар ҳам ўртададир. Ушбу айтилганлардан чиқариладиган биринчи хулоса шуки, кишининг тақдири ўз халқининг қисмати билан бир бўлади, ўз халқидан ташқарида чин бахт-саодат бўлмайди, ҳар бир кишининг таржимаи ҳолидан халқнинг тарихи келиб чиқади. Мустақилликда — эмин-эркинликда кечган ва кечаётган

Истиқлол йилларида миллатимизнинг жипслиги кучайди. Бу эса халқимиз тафаккури даражаси юксалганини кўрсатувчи энг катта муваффақиятдир.

ҳаётимиз ана шундай хулосага келтирди. Тақдири бир эканини англаган кишилар ўртасида уюшқоқлик даражаси кучли бўлади, албатта, ҳамма ўз қисмати яхши бўлиши учун бир ёқадан бош чиқариб иш тутади. Зеро, истиқлол йилларида миллатимизнинг жипслиги кучайди. Бу эса халқимиз тафаккури даражаси юксалганини кўрсатувчи энг катта муваффақиятдир. Шу нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, Президентимиз томонидан ўртага қўйилган келажаги буюк давлат қуриш шиори халқимиз тафаккури тарзини тўғри йўналишга солиб юборди.

Тафаккур тарзимиздаги яна бир қирра шуки, бутун мамлакат миқёсида ҳам, ҳар бир оила мисолида ҳам мустақил яшашга одатлана бошладик. Мустақил давлатнинг фуқароси бўлишнинг афзалликлари кўп. Шу билан бирга, масъулияти ҳам бор, албатта. Бу масъулият мустақиллик инъом этган ижтимоий-сиёсий ҳурлик ва эркинликларга, моддий ва маънавий неъматларга жавобан Ватан, давлат ва халқ олдидаги бурчни сидқидилдан ўташ вазифасини зиммамизга юклайди.

Истиқлол туфайли мулкка, мулкдорликка ва умуман, бойликка, бой-бадавлат бўлишга муносабат ўзгарди. Бунинг мусбат ва манфий томонлари бор, албатта. Текисчилик, одмигина турмуш кечириш асосий турмуш тарзи сифатида зўр бериб улуғланган ва тарғиб-ташвиқ қилинган шўролар замонида бой одамга нисбатан ёт кўз билан қараларди. Эндиликда фуқаролари бой-бадавлат мамлакатнинг ўзи ҳам қудратли бўлиши тан олинди. Бой-бадавлат бўлиш, мол-мулк эгаси бўлиш бошқа нарса, молпарастлик яна бошқа нарса. Пул топиб ақл топмаган, вақт ўтиши билан ўтмас матоҳга айланиб қоладиган бисот йиғувчилар ҳам, ортиқча маблағини банкларга қўйиб, фоизини олаётганлар ҳам, пойдевори мустаҳкам, асрлар оша турадиган ғиштин иморат қураётганлар ҳам бор. Ҳалолидан топиб, эзгу ишларга сарфлаш жамиятимизнинг эзгу қадриятларидан бўлиб қолди.

Шу билан бирга спортга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Айниқса, энг қадимий спорт турларидан бўлмиш ўзбек миллий кураши қайта тикланди ва спорт тури сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Бунда Президентимизнинг давлат бошлиғи сифатида узоқни кўра билиши намоён бўлди. Миллий ўзбек кураши бўйича мусобақалар ўтказиш Ер юзининг олис-олис давлатларида ҳам анъанага айланиб қолди. Ўтган қисқа давр ичида миллий курашимиз бўйича жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатида Кураш федерациялари тузилди. Буларни бирлаштирувчи Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилди, унинг фахрий Президенти этиб, Юртбошимиз Ислом Каримов сайланди.

Эндиликда фуқаролари бой-бадавлат мамлакатнинг ўзи ҳам қудратли бўлиши тан олинди.

Яна бир мисол. Шўролар замонида Сеулда ўтказилган Олимпиада мусобақаларида собиқ иттифоқдан 541 спортчи қатнашган бўлиб, шундан 9 нафари Ўзбекистон номидан борган эди. Улардан фақат 1 нафари ўзбек миллатига мансуб велосипедчи эди. 2000 йили Сиднейда ўтказилган Олимпиада мусобақаларида мустақил Ўзбекистондан 77 нафар спортчи қатнашди. Кўринг, ким эдиг-у, истиқлол шарофати билан кимга айландик. Ҳа, ҳатто спорт соҳасида ҳам мустақиллик йилларида қаддимиз тикланди, қадр топдик. Ҳар гал спортчиларимиз халқаро мусобақаларда ғолиб бўлганларида Мадҳиямиз янграйди. Бу Ўзбекистонимизнинг истиқлол садоси ҳамдир. Зеро, бугунги кунда маданият ва спорт соҳалари давлат ва миллатни халқаро миқёсда танитадиган энг муҳим тармоқлардан бўлиб қолди.

Шавкатли қўшин – миллат шукуҳи, давлат таянчи, халқ ҳимоячиси! Шўролар даврида гидан фарқли ўлароқ, истиқлол йилларида халқимизнинг ҳарбий соҳага, бинобарин, ҳарбий хизматчиларга муносабати тубдан ўзгарди. Айниқса, ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳарбий мутахассис бўлишига иштиёқлари ортди. Ёшлар учун эса Ватанни ҳимоя қилиш энг шарафли вазифа ва бурчга айланди.

Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолишимизга боғлиқдир. Тинчлик ва хавфсизликнинг пойдор бўлиши учун, аввало, ҳушёрлик керак. Олис ва яқин мамлакатлардаги катта ва кичик воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида воқиф бўла бориш, жаҳон тамаддуни эришган даражада тафаккур қилиш, тегишли хулосалар чиқара бориш, сабоқ ола билиш лозим.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

МАДАНИЯТ янгиликлари

Саҳнада "Сеҳрли курси"

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси "Сеҳрли курси" деб номланган асарни саҳналаштирди.

Австриялик драматург Фридьеш Каринги қаламига мансуб ушбу асарда зиддиятли воқеалар, меҳр-оқибат сингари қатор инсоний фазилатлар тараннум этилади. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг дипломанти Жавлонбек Жўраев саҳналаштирган ушбу асарда асосий ролларни ёш иқтидор соҳиблари Баҳодир Жўраев, Алижон Тожибоев, Дилфуза Қодирова, Авазбек Қодиров ижро этишган.

Қардошлик фестивали

Яккабоғ туманида ўндан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилишади. Туманда ҳар бир миллат ва элатнинг урф-одатлари ва анъаналари қадрланади.

Яқинда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ташкил этилган "Қудратимиз – дўстлик ва ҳамжиҳатликда" мавзуидаги фестиваль буни яна бир бор исботлади. Ўзбек, рус, татар, бошқирд, тожик тилларида янграган қўшиқлар кечага ўзгача шукуҳ бахш этди. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқишларини фестиваль иштирокчилари "Ягона замин фарзандларимиз", "Биз тинчлик тарафдоримиз", "Ўзбекистон — Ватаним маним" шиорлари билан қўллаб-қувватлаб туришди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртдошларимизнинг орзу-истаклари муштараклиги, ўзаро тотувлик, тинчликнинг барқарорлиги иқтисодий ривожланишнинг ҳам асосий омили эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган бундай фестиваллар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Болалар ҳузурида

Болаларнинг таътил кунларида Термиз шаҳридаги боғ ва хиёбонлар одамлар билан янада гавжум. Шаҳарнинг Бобур номли, "Болажон" боғларида ҳар куни турли тадбирлар, кечалар ташкил этилмоқда.

Бобур номидаги боғда "Таманно" ашула ва рақс дастасининг байрамолди концерт дастурлари намойиш этилаётган бўлса, "Болажон"да болалар ўртасида турли танловлар бўлиб ўтмоқда. Шунингдек, вилоят қўғирчоқ театри жамоаси "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" деб номланган театрлаштирилган томоша намойиш этди.

Халқ ижоди халқ ичида

Жиззах вилоятида халқ ижодиёти ва маънавий-маърифий ишлар маркази ходимлари Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Амир Темур номидаги болалар оромгоҳида хайрия концерти уюштирди.

Тадбир доирасида "Гиёҳвандлик — давр иллати" деб номланган саҳналаштирилган кеча ҳам бўлиб ўтди. Унда гиёҳвандлик ортидан келиб чиқаётган касаллик ва жиноятлар ҳақида болажонларга маълумотлар берилди. Шундан сўнг "Эшак минди", "Бўтасолай", "Бештош", "Тортинмачоқ" сингари халқ ўйинлари мусобақаси ўтказилди. Ғолиблар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Олмалиқда дўстлик байрами

Олмалиқ шаҳрида "Қудратимиз дўстлик ва бирдамликда" деб номланган фестиваль ўтказилди.

"Фидокорлар" миллий-демократик партияси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Байналмилал маркази, Олмалиқ тоғ-кон комбинати ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамкорликда ўтказган ушбу байрамда миллатлараро тотувлик, дўстлик ва бағрикенгликни тараннум этувчи дастур намойиш этилди.

Маълумки, мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади, шунингдек, 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият юритаётир. Улар ҳам Ватанимиз равнақи учун фидокорона меҳнат қилаяптилар. Кечада сўзга чиққанлар тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги ҳақида гапирдилар. Унда республикамиздаги таниқли санъаткорлар ўз куй-қўшиқлари билан йиғилганлар кўнглини ҳушнуд этишди.

Китоблар кўргазмаси

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишни ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси болалар кутубхонасида қатор маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Кутубхона бундан 60 йил аввал ташкил топган бўлиб, ҳозирда ундан 10 мингга яқин муштарий фойдаланади.

Зиё маскани мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган "Ватан, сенсан гўзал чаманзорим" деб аталган китоблар кўргазмасини ташкил этди. Унда мингдан ортиқ номдаги истиқлол йиллари адабиёти намуналари намойиш қилинди.

Хабарлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг методика ва ахборот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Осиёдагига қараганда қимматроқ бўлгани учун ҳам Россия компанияларининг минтақа газ бозорида янада фаоллашувини тахмин қилаётир. Бунда у Россия гази етказиб берилишининг «жуғрофий тақсимоти»ни башорат қилмоқда. Яъни, газнинг Европага яқин қисми Ғарбга, Шарққа яқин қисми эса Шарққа кетаверади.

Конференция иштирокчилари фирма, компания ва ҳукуматларнинг ўзларига юқлатилган қарз мажбуриятлари бўйича тўлов қобилиятини баҳолаш билан шуғулланувчи халқаро рейтинг агентликлари маълумотларига ҳам катта эътибор қаратишди.

Жаҳондаги етакчи рейтинг компанияларидан бири бўлган «Фитч рейтингс»нинг энергетика ва молиявий лойиҳалар бўйича бошқармаси раҳбари Андрю Стилнинг фикрича, Марказий Осиёда хориж сармоялари учун сиёсий таҳдидларни баҳолашда минтақалар иқтисодиётининг режали-тақсимланувчи шаклидан бошқаришнинг бозор усулига барқарор ўтиш омилини ҳисобга олмоқ даркор. У халқаро ишбилармон доира вакилларини Марказий Осиё мамлакатлари билан турли соҳаларда, биринчи галда энергетика тармоғида яқиндан ҳамкорлик қилишга чорлади.

Редингдаги конференция давомида тингланган олимлар маърузалари ва экспертлар баҳолари айрим хулосаларни чиқариш имконини беради. Хусусан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида қатор жиддий халқаро ва Буюк Британия экспертлари доирасида ҳаққоний тасаввур юзага келмоқда. Ғарбнинг хусусий ва тижорат тузилмалари жаҳон бозорларида хомашё ва энергетика ресурслари нархи кўтарилиб бораётган бир даврда Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашни ёқлаётир. Нуфузли экспертлар эса мазкур минтақада вазиятни барқарорлаштирувчи турли геосиёсий ўйинларга қарши чиқмоқда.

Авазбек ҲОЖИМАТОВ,
Жаҳон АА.
Лондон

Ягона оила тароналари

Серқуёш диёримизда кўплаб миллат ва элатлар ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилади. Ягона оилада тинч-тотув яшаб келаётган турли миллат вакиллари ўзбеклар билан елкама-елка туриб, юртимиз равнақи ва истиқболи йўлида меҳнат қилмоқда. Республикамизда турли миллат ва халқлар миллий марказлари ҳам қизғин фаолият олиб бормоқда. Мазкур миллий марказлар ташкил этаётган турли кечалар, концертлар, фестиваль ва тадбирлар миллатларни бир-бири билан янада жипслаштирмоқда.

Яқинда Термиз шаҳрида вилоят миллий марказлари фестивали ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу фестиваль, «Қудратимиз дўстликда ва ҳамжиҳатликда» шиори остида ўтди. Фестивалда рус, тожик, туркман, корейс ва татар миллий марказлари вакиллари иштирок этдилар. Ғолиблар ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

СУРАТЛАРДА: туркман қизлари миллий либосда; Термиз шаҳрида ўтказилган миллий марказлар фестивалида болажонлар чиқиши.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Банк ва кредит

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси қарздорлар тўғрисида ахборот алмашинуви банклар барқарорлиги ва самарали кредит сиёсатининг зарурий шарти эканини кўрсатди. Шу зарурияттан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилди. Унинг асосий мақсади банкларни потенциал қарз олувчилар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, банк тизимида кредит таваккалчигини камайтириш ва кредит интизомини мустаҳкамлашдир.

ҚАРЗДОРЛИКНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИН

Бугун бутун дунёда қайтарилмаган ва муддати ўтган кредитлар муаммоси долзарб бўлиб турибди. Халқаро валюта фонди экспертларининг фикрига кўра, биргина япон банкларида муддати ўтган кредитларнинг ҳажми 800 млрд. АҚШ долларига етган. Бундай кредитлар эса жаҳон ва миллий банк тизимларида ликвидлилик таваккалчилигининг ошишига олиб келмоқда.

Муддатида қайтарилмаган кредитларнинг вужудга келишига анъанавий сабаблардан ташқари, кредит беришдан олдин банкда потенциал (бўлажак) қарздорлар тўғрисидаги ахборотнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлади. Шу боис амалиётда тижорат банклари бундай муаммоли ссудалар учун эҳтимолий йўқотишлар заҳираси яратиб, бу заҳира ҳисобидан уларни балансдан чиқаришга мажбур бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, банклар учун кредитлаш фойда келтирмай қолади, иқтисодиётнинг реал сектори кредит маблағларидан ўз вақтида фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Кредит портфелининг ҳажми, қарздорлар сони ошгани сари истеъмол кредитлари ва микрокредитлар бериш соҳасида банклар потенциал ва мавжуд қарздорлар тўғрисида тўлақонли ахборот олиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди. Чунки бу жараён муайян вақт ва маблағ талаб этади.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун кўпгина мамлакатларда қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этишга ихтисослашган вужудга келтирилган. Улардан потенциал қарздорлар тўғрисидаги кредит ахбороти тўлов асосида олинади.

Ахборот манбаси эса, маҳаллий қонунчиликка мувофиқ, банклар томонидан кредит ахборотини мажбурий ёки ихтиёрий равишда марказлаштирилган тарзда юборилиши орқали ташкил қилинади.

Кредит ахборотини ихтисослашган ташкилотга юбориш ва ундан олиш орқали ахборот алмашинуви жараёни амалга оширилади.

Амалиётда кредит ахбороти алмашинуви банклараро кредит бюроси ва Марказий банкнинг махсус бўлинмаси орқали рўёбга чиқарилиши мумкин.

Кредит ахбороти алмашинувининг зарурлиги ҳамда жаҳон тажрибасини инобатга олинган ҳолда, ҳукуматимизнинг 2004 йил 23 апрелдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кредит ахборотини ҳисобга олишнинг икки поғонали тизими – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон Банклар уюшмасида Банклараро кредит бюроси ташкил этилди.

Кредит ахбороти миллий институти фаолияти Марказий банкнинг «Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон Банклар уюшмасида Банклараро кредит бюроси ва Марказий банкнинг махсус бўлинмаси орқали рўёбга чиқарилиши мумкин» тўғрисидаги Низом»и доирасида амалга оширилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тегишли техник воситалар харид қилиниб ишга туширилди, кредит ахборотини қабул қилиш, жўнатиш, сақлаш ва ахборот алмашинувини ташкил этиш дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Натижада қўл меҳнати ҳам, қоғоздаги ҳисоботлар сони ҳам камайди. Тижорат банкларидан институтга юбориладиган кредит ахбороти қарздорнинг электрон ссуда карточкасидан автоматик режимда олиниши таъминланди.

Институтда тижорат банклари ва улардан қарздорларнинг кредит операциялари, мажбуриятлари бўйича таъминот турлари тўғрисидаги ахборотлар базаси ва кредит ахборотининг ягона реестри шакллантирилди.

Ушбу реестрда 200 мингдан ортиқ кредит шартномалари тўғрисидаги маълумотлар сақланади. Ахборот алмашинувида барча тижорат банклари иштирок этади. Ҳар куни мингдан ортиқ кредит шартномалари ва 15 мингдан ортиқ кредит операциялари қайта ишланади.

Институтда, шунингдек, банк назоратини оқилона олиб бориш мақсадида турли банклардан икки ёки ундан ортиқ кредит олган қарздорлар, икки ва ундан ортиқ қарздорга кафил бўлган шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажаришини мониторинг қилиш имконияти ҳам яратилди.

Шундай қилиб, банк соҳасида кредит ахбороти алмашинуви ҳажмларининг ўсиши кредитлашнинг самарадорлигига, бунинг натижасида эса, бизнеснинг ривожланишига, ЯИМнинг ўсиши ва аҳоли бандлигининг ошишига ижобий таъсир қилмоқда.

Н. ХОЛМУРОТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институти директори.

Мумбайда портлашлар

Сешанба куни кечқурун Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида йўловчи ташиш поездлари ҳамда темир йўл бекатида кетма-кет бир неча портлашлар содир этилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, 190 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган, 625 нафари турли даражада жароҳатланган. Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилаяпти. Шаҳар шифохоналари беморлар билан тўлиб-тошган. Мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Ҳозирга қадар ушбу теракларни ҳеч ким ўз зиммасига олганича йўқ. Ҳиндистон ҳукумати вакилининг таъкидлашича, бундай катта қўпорувчиликни амалга ошириш учун террорчилар узоқ вақт тайёрланишган.

Мамлакат полицияси Мумбай шаҳри ва унинг атрофида қаттиқ текширув ишлари олиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Портлашлар рўй бергандан сўнг мамлакат бош вазири Манмохан Сингх шошилинч тарзда ҳукумат аъзолари билан йиғилиш ўтказди. Бош вазир аҳолини вазиятга тушмасликка чақирди.

Охирги йилларда Мумбайда бир неча бор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Хусусан, 2003 йилда амалга оширилган бир қатор портлашлар 250 нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлганди.

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари ХАМАС ҳаракати раҳбариятининг йиғилиши ўтказилаяпти деган тахмин билан Газо секторидаги бир неча биноларга ракета зарбаларини берди.

Вазият кескинлашмоқда

Дастлабки маълумотларга қараганда, олти киши ҳалок бўлган, шундан икки нафари ёш бола. Бундан ташқари, 27 киши жароҳатланди. Исроил ҳукумати вакили ҳужум айнан ХАМАС аъзолари йиғилишига қарши уюштирилганлигини расман билдирди. ХАМАС вакили эса гуруҳ етакчилари жабрланганлари тўғрисида маълумот беришни рад этди.

Газо секторидаги электр станциясига йўлланган ракеталар мазкур ҳудуддаги аҳолини электр энергиясисиз қолдирди ҳамда 50 нафар одамнинг ўлимига сабаб бўлди.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни...) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал-юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўлқурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ-хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«Росзарубежцентр»нинг Тошкентдаги ваколатхонасида Рус маданият маркази томонидан ташкил этилган «Россияни кашф эт» кўрик танловининг якуний босқичи ўтказилади.

«Россияни кашф эт»

«Росзарубежцентр»нинг раҳбари ўринбосари Давлатбек Саъдуллаев танловнинг якуний босқичида республикамизнинг турли ҳудудларидаги олий ўқув юртларининг 18 нафар талабаси Россия давлати тарихи ва маданияти борасидаги билимларини намойиш этишларини таъкидлади.

— Бу интеллектуал танловда беллашган ҳар бир иштирокчини ғолиб дейиш мумкин, — деди Д.Саъдуллаев. — Уларнинг барчаси рус ўлкасининг бой тарихи ҳақида яхши билимга эга. Иштирокчилар учун бу ўз кучини синаб кўриш ва тажриба алмашиш майдони бўлади.

Яқинда Россия элчихонасида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Ғолиб деб топилган уч нафар талаба Россия Федерациясига саёҳат учун йўлланмани қўлга киритади.

«Туркистон-пресс»

Қотиллар қўлга тушди

«Франс-пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, 2002 йилда Магадан вилояти губернатори Валентин Цветковни ўлдирганликда гумон қилинган икки россиялик кеча Испаниянинг Марбелья шаҳрида қўлга олинди. Ушбу икки шахс Россия ҳуқуқ-тартибот идораларининг сўровномасига биноан қамоққа олинди. Испания ички ишлар вазирлиги вакилининг билдиришича, улар ўз мамлакати одил судидан қочиб, Марбелья шаҳрида қўним топишганди. Қўлга олиш чоғида уларнинг ёнидан сохта паспорт ва қалбаки ҳужжатлар топилган.

Эслатиб ўтамиз, губернатор Валентин Цветков 2002 йил 18 октябрда Москвада ўлдириб кетилган эди. Россия прокуратураси вакилининг сўзларига қараганда, ушбу қотилликни содир этганликда беш киши гумон қилинмоқда.

Англия АЭС қурмоқчи

Буюк Британия ҳукумати мамлакатнинг энергетика соҳасида юритаётган сиёсатини ўзгартирмоқчи. Куни кеча ҳукумат томонидан мазкур масалада билдирилган ғоя ва таклифларни ўрганиб чиқиш учун тузилган махсус комиссия ўз хулосаларини маълум қилди. Бунга кўра, мамлакатда атом электр станцияларининг янги авлоди қурилади. Бирлашган Қироллик савдо ва саноат вазири Алистер Дарлинг АЭСни эксплуатация қилиш иқтисодий жиҳатдан арзон тушишини ҳамда энергияга нисбатан муттасил ошиб бораётган талабни қондиришда катта аҳамият касб этишини билдирди. Ўз навбатида, ҳукуматнинг бу сиёсатига қаршилар ҳам анчагина. Улар атом электр станцияларининг ишлаши атроф муҳитга катта зарар келтиришини ҳамда мамлакат учун катта хавф пайдо бўлишини таъкидлашмоқда.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Маҳбусларга муносабат ўзгаради

АҚШ ҳукумати Гуантанамода ушлаб турилган ҳарбий асирлар ва маҳбусларнинг шароитини ўзгартириш юзасидан қарор чиқарди. Энди Женева конвенцияси асосида маҳбусларга яхшироқ муносабатда бўлинади. Ўтган ой охирида АҚШ Олий суди ҳукуматнинг бундай маҳбусларни фақат ҳарбий судлар суд қилиши тўғрисида буйруқ беришга ваколати йўқ эканлиги юзасидан қарор чиқарди.

Яқинда Брюсселда ўтказилган ЕИ ва АҚШ саммитида президент Жорж Буш Гуантанамодаги маҳбусларнинг аксариятини ўз уйларига қайтаришга ваъда берганди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қамоқхонада 450 нафар асирлар суд қилинмасдан тўрт йилдан буён ушлаб турилибди. Пентагон маълум қилган ҳабарномада келтирилишича, айни пайтда Америка ҳарбийлари бутун дунёда жами 1000 нафар маҳбусни ҳибсда сақламоқда.

Шахсий уйларни лойиҳалаштирамиз.

Бригада қурилиш ишларини бажаради.

Тел.: 340-99-37.

Нефть қувури ишга тушди

Кеча Қозоғистондан тўғридан-тўғри Хитойга борувчи биринчи нефть қувури ишга туширилди. «Синхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, эндиликда Қозоғистондан Синьцзян Уйғур мухтор районига доимий равишда ёнилғи экспорти йўлга қўйилади. Нефть қувурининг узунлиги 960 километр бўлиб, қурилиш қиймати 700 миллион долларни ташкил қилади. Икки мамлакат ўртасида имзоланган ўзаро келишувга биноан қувур орқали йилига 20 миллион тонна нефть экспорт қилинади, яъни бу кўрсаткич 2005 йил давомида Хитойга импорт қилинган «қора олтин»нинг 15 фоизини ташкил қилади.

Халқаро кузатувчиларнинг фикрига кўра, нефть қувурининг ишга туширилиши икки давлатга ҳам катта фойда келтиради. Хитой шу йўл орқали ўзининг энергетика тақчиллиги муаммосини ҳал этса, Қозоғистон учун янги бозор очилди.

ЭЛЕКТРОТЕХНИЧЕСКИЕ ЛАБОРАТОРИИ

"ЭТЛ-10"

Электролаборатория кабельная передвижная, смонтирована в фургоне автомобиля "ГАЗель" и предназначена для:
- **испытания** изоляции кабелей и других устройств и приспособлений постоянным и переменным (50 гц) высоковольтным напряжением;
- **прожига** дефектной изоляции кабелей с последующим дожигом ее;
- **определения** трассы кабельных линий;
- **топографического определения** мест повреждения кабельных линий индукционным и акустическим методами;
- **определения** расстояния до места повреждения высоковольтных кабелей напряжением 0,4-10кВ импульсным беспрожиговым методом на высоком и низком напряжении.

"ЭТЛ-35"

Передвижная испытательная установка смонтирована в фургоне автомобиля "ГАЗель" и предназначена для:
- **испытания** изоляции кабелей и других устройств и приспособлений постоянным и переменным (50 гц) высоким напряжением;
- **испытания** электротехнических объектов на низком напряжении;
- **определения** емкости и тангенса угла диэлектрических объектов при напряжениях до 10 кВ.

Телефоны: 152-66-95, 187-56-46

ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ ОТ ИЗГОТОВИТЕЛЯ ПОД ЗАКАЗ

Газеталарни варақлаганда — ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ҳуррият» 12 июль.
Саъдина Бобомуродова «Шундай яшасанг!»:

«— Мен 40 йил ҳайдовчилик қилганман, қизларим, — дейди ота. — Кўп жойларни кўрганман. Ўзбекистоннинг тупроғидай тупроқ йўқ. Қоққан қозиқдай бўлиб қотиб тураверганмиз-да аввал. Мана, элга ҳуррият бўлди. Энди ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

«Маърифат» 12 июль.
Беҳзод Фазлиддин «086-У: соғлиғингиз сохта эмасми?»:

«Бир танишим олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат тайёрлаётган экан. Тиббий маълумотнома олиш учун бирга боришимни илтимос қилди. Вақтим озлиги боис аввалига рад этмоқчи бўлдим. «Ярим соатга қолмай ишни битириб беришади», — деди у. Ноилож боришга мажбур бўлдим. Вилоятдаги туман шифохоналаридан бири. Танишим йўлни аниқ билади, шекилли, сўраб-суриштирмасдан маълумотнома берадиган жойни топиб борди. Шеригим айтганидек, ярим соатга қолмай қўлида «086-У»ни ушлаганча, мамнун чиқиб келди. Менинг лол бўлиб турганимни сезди шекилли, «Эй, ўртоқ, пул бўлса чангалда шўрва» деди гердайиб».

«Миллий тикланиш» 12 июль.
Қобил Хидиров «Ким қандай китоб ўқияпти?»:

«Биз билан фикрларини ўртоқлашган кўпгина ёшлар «гап китобхонда эмас, балки яхши китобларнинг йўқлигида», деб ўз фикрини билдирди. Бу мулоҳаза ҳам ўринсиз эмас. Боиси, бугун китобхонга ёқадиган, унинг дард ва кечинмаларини кўрсатиб берувчи ҳамда истиқлол ғояларини тараннум этувчи асарлар анқонинг уруғи. Мабодо битта-яримта шундай асар чиқса, халқнинг ўзи уни топиб ўқийди. Жаҳон адабиётининг ёрқин вакили Пауло Коэлонинг «Алкимёгар» асарини асил китоб шинавандалари қўлма-қўл ўқишди. Ҳатто, гувоҳ бўлганмиз, нусхасини чиқариб ҳам мутолаа қилганлар бўлди. Буни «Алкимёгар»нинг ўзбек тилида учта таржимаси чиққанидан ҳам билиш мумкин».

«Тошкент оқшоми» 11 июль.
Ҳамидулла Акбаров «Ёшлар гурунги, ширин ташвишлари»:

«Кўрик кунлари узоқ ҳамда яқин ўтмиш воқеалари, ўлмас сиймоларга бағишланган бирорта фильм учрамади. Аслида янги кинонинг илк қадамлари тарих саҳифалари, ўтмиш машъаллари билан боғлиқ бўлишидан эса кино санъати, жамият манфаатдордир».

«Маҳалла» 12 июль.
И. Бойжонов «Ишлаганга иш бисёр»:

«Шу ўринда мени бир савол кўп қийнайди: ҳар йили турли касбу кор ихтисослигига йўналтирилган коллежларни қанчадан-қанча ёшлар битказиб чиқаяпти. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб кетяптиларми? Бу билан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари, биринчи галда эса ўша ёшлар илм, касб-кор ўргатган билим юртлари раҳбарлари, яъни ўзимиз қизиқиб кўряпмизми?»

«Ҳуқуқ» 12 июль.
Улуғбек Курёзов «Қарзлар кимнинг гарданида?»:

Ҳар бир раҳбар, ҳар бир масъул ходим хизмат вазифасига эскича ёндошишдан воз кечиб, бугунги кун нафаси билан яшамас экан, улар раҳбарлик қилаётган корхона-ташкилотлар таназзулга юз тутиши тайин».

Газетада босилмади, аммо...

Кредитни қачон оламиз?

Тахририятга келган хат:

2005 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўқиб хурсанд бўлгандик. Лекин унинг ижросини кутяпмиз, тайинли жавобни эса ҳали олганимизча йўқ.

Суриштирсак, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ипотека банклари очилган, дейишди. Мурожаат қилганимизда аввалига кредит йўқлигини айтишди. Сўнгра эса уй сотиб олувчилар учун 18 фоизли кредит борлиги ҳақида хабар қилишди. Лекин менга 5 фоизли кредит маъқул эди. Уни қачон олишимиз мумкин?

М. РАҲМОНОВА.
Қашқадарё вилояти.

Расмий жавоб:

Республика Президентининг 2005 йил 16 февралдаги қарорида кўрсатилган шартлар асосида жамғарма маблағлари ҳисобидан бериладиган имтиёзли, узоқ муддатли ипотека кредитларини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни қабул қилингач ва "Уй-жой қурилиши, турар-жойларни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тўғрисида"ги низом лойиҳаси тасдиқланганидан сўнг тижорат банкларининг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин. Бунда аризангиз низом талаблари асосида кўриб чиқилади.

Шунингдек, юқоридаги қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида банк Бошқаруви томонидан 2005 йил 7 ноябрдаги 54-1 сонли қарори билан тасдиқланган "Жисмоний шахсларнинг вақтинчалик низоми"га асосан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олишлари учун шартнома асосида ипотека кредитлари берилаётганлигини маълум қиламиз.

Ў.ШУКУРОВ,
Акциядорлик тижорат-ипотека банки бошқарув раисининг биринчи ўринбосари.

«Евразиятекстиль» қулочини кенг ёймоқда

Пахта хомашёсини қайта ишлашнинг ҳадисини олган Андижондаги Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти жамоаси Россия Федерациясининг «Альтатекс» ҳамда «Евразияинтернейшл» масъулияти чекланган жамиятлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлашга келишиб олди. Ушбу мақсадларнинг рўёби сифатида Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилди. Ўз атрофига беш юз нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган «Евразиятекстиль» корхонаси биргина «Бета+» МЧЖга бир миллион доллар қийматда маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзолади. Йил охирига қадар жамоа Жанубий Корея ва Туркиядаги ҳамкорларга ҳам катта миқдорда маҳсулот етказиб беришни режалаштирган.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«MTC-SUPER» ТАРИФ РЕЖАСИ!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА $0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ КИРУВЧИ АЛОҚА - БЕПУЛ

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ АЛОҚА $0.02 (1 дақиқа учун)

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
- Ҳалқаро роуминг хизмати Португалияда (Vodafone) ва Шри Ланкада (Celltel) ишга туширилди.
- Тошкентда уланиш учун янги индекс 402 хх хх очилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 26 янги база станциялари Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида ишга туширилди.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН

МТС

Тошкентимизнинг Амир Темур хиёбони ёнидаги «Фонтан» қаҳвахонасининг очилганига унча кўп бўлгани йўқ. Табиат борликқа ўз сепини ёйган паллада, айниқса, сўлим ёз фаслида бу гўша кун бўйи гавжум. Барча қулайликлар яратилган жозибали масканда кечалари ҳам одам аримайди.

Фавворадан отилган сувнинг ёқимли эпкини, дилтортар мусиқа оҳанглари дам олувчиларни доимо ўзига тортиб туради.

— Ўзбекистон жаннатмакон жойэкан, — дейди ҳайрат билан россиялик меҳмонлардан бири Михаил Алексеевич. — Шаҳарда кеч тушганда ҳам оналар, болалар ҳеч бир хавотирсиз бемалол ҳордиқ чиқаришяпти. Шундай осойишта ҳаётни бугунги кунда кўплар орзу қилади.

Четдан берилган бу баҳони эшитганда беихтиёр Юртбошимизнинг «Бу ҳаётни қадрлаш керак, асраш керак» деган сўзлари ёдимизга тушди.


Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Юртимизда барча соҳалар қатори таълим жабҳасидаги ислоҳотлар изчил давом этмокда. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги Академик лицей ҳам келажагимиз ворислари бўлган ёшларга чуқурлаштирилган билим беришга ихтисослашганлиги билан эътиборга лойиқ.

Замон билан ҳамнафас

Ҳозирги кунда ушбу ўқув муассасасида 4 та — аниқ фанлар, табиий фанлар, хорижий филология ва ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича 351 нафар ўқувчилар таълим олмоқдалар.

Мазкур лицейнинг ўқув корпусида 36 та ўқув хоналари, информатика, физика, биология лабораториялари ҳамда лингафонхоналар жиҳозланган. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан академик лицейнинг кутубхонаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» хонаси 1 миллион 800 минг сўмликдан зиёд замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳамкорлар кўмаги ўқувчиларнинг режага кўра барча лаборатория ишларини кўнгилдагидай, тўлақонли бажаришлари имкониятини беради, ёшларда ўзига ишончни ҳам орттиради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларидан келиб чиқиб, таълимни тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш, лицейда ўқув жараёнини тубдан яхшилаш, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда ўқитувчиларнинг доимий равишда ўз устида ишлаш масаласи, яъни уларнинг замон билан ҳамнафас бўлишлари мақсадларида кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. Айниқса, педагоглар жамоаси ўртасида «Йил ўқитувчиси» ва гуруҳ мураббийлариаро «Энг намунали мураббий» номинациялари асосида беллашувлар анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Мазкур лицей жамоаси ўқувчиларнинг билим олиш даврини қизиқарли, сермазмун ва самарали ўтказишлари учун «Очиқ эшиклар куни», турли учрашувлар, «Нима, қачон, қаерда?», «Интеллектуал олимпиада», «Компьютер ўйинлари», «Сиз тарихни биласизми?» каби кўрик-танловларда ёшларнинг фаол қатнашишларига эришмоқда ҳамда танловларда иқтидорли ўқувчилар таълим масканларининг шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Нозима АКРАМОВА.

ҚАБУЛДАГИ ҚАЛЛОБЛАР

2004 йил июнь ойининг дастлабки кунлари. Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Эгамназар Ғойибназаров ҳовлида ўқув даргоҳига ҳужжат топширгани келаётган йигит-қизларни зимдан кузатиб юрганди. Бир маҳал иқтисод факультетининг сиртқи бўлими юқори босқич талабаси Анвар Абдуллаев ёнидан ўтиб қолди.

— Ўқишга кирадиган бирорта қариндошинг ёки танишинг йўқми? — сўради домла уни тўхтатиб. — Бўлса, айт, ёрдамлашвораман.

— Кеча жияним Шукрулло Абдуллаев ҳужжатини қабул комиссиясига топширди, — жавоб қилди Анвар.

— Нега бу ҳақда менга аввалроқ айтмадинг? — деди домла Анварнинг қулоғига шивирлаб паст оҳангда. — Жиянингнинг отасига учраш. Бир миллион сўм ташласа, ўғли талаба бўлади-қўяди...

Бу гапдан сўнг Анвар Абдуллаев зудлик билан Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғига етиб борди. Шукруллонинг амакиси — миллий ҳунарманд Икромжон Абдуллаевнинг «хушхабар»дан боши осмонга етди. У ўзида шогирд бўлиб ишловчи жиянининг ўқиши учун айтилган пулни тўғрилаб беришга рози бўлди. Анвар бундан домлани хабардор этди. Эгамназар Шукрулло Абдуллаевнинг фамилиясини ён дафтарига ёзиб олар экан, Анварга шундай топшириқ берди:

— Эрта-индин Тошкентга кетаяпман, боланинг устозига бориб айт. Сен орқали уч юз минг сўм бериб юборсин.

Анвар «Хўп!» дея яна Икромжон аканинг ҳузурига ошиқди. Айтилган пулни ундиргач, домланинг хизмат хонасида унга топширди.

Орадан кунлар ўтди. Июнь ойининг ўрталарида Анвар такроран домлага дуч келди.

— Шукруллонинг ўқиши масаласи бугун-эрта ҳал бўлади, — сўз қотди Эгамназар уни четга тортиб. — Унгача қолган 700 минг сўм нақд пулни беришса, бўлди!..

Ой охирларида Анвар Эгамназар Ғойибназаров сўраган пулни ҳам унинг хизмат хонасига келтириб берди. Кўп ўтмай домла унга жияни 1 август куни тест имтиҳонига ишонч билан дадил кираверишни мумкинлигини айтди. Шукрулло ўзини синовдан ўтган бахтли талаба сифатида ҳис қилиб, қувониб юрди. Белгиланган куни тестни топшириб чиқди. Лекин атиги 55,5 балл тўплаган экан, ўқишга кира олмади. Бундан хабар топган Эгамназар «Шукрулло ўқишга кирди», деб қишлоқдаги қариндошларига бемалол айтаверинглар. Яқинда институт талабалари пахтага кетишади. Улар пахтадан қайтишгунча Шукруллони ўқишга жойлаб қўяман», дея Анварни ишонтирди.

Минг афсуски, талабалар пахтадан қайтишганидан кейин ҳам масала ҳал бўлмади. Анвар Абдуллаев ноябрь ойи ниҳоясида домлага учрашган эди, у Шукрулло тўплаган балл пастлиги сабабли яна 500 минг сўм зарурлигини, акс ҳолда, иш битмаслигини билдирди. Лекин бу пул чўнтагига тушганидан сўнг ҳам бирон-бир натижа чиқмади. Бундан ғазабланган «ўртакаш» охири домлага «Шукруллонинг ўқиши қачон ҳал бўлади? Агар, иложи бўлмаса, 1,5 миллион сўмни қайтаринг», дея мурожаат этди. Домла барибир пинагини бузмади. Аксинча, одатдагидек, яна ваъдани қуюқ қилди.

— Охирги сўзим, — ишонтирди у 2005 йил январь ойи бошида Анварни, — 14 январь куни соат 10 га Икромжон акадан яна 500 АҚШ доллари келтир. Шунда ҳаммаси жойида бўлади.

Навбатдаги шартни эшитган Икромжон домладан қаттиқ ранжиди. Ваъдабоз сўзи устидан чиқмаслигига кўзи етгач, бошқача йўл тутди. Вилоят ИИБ Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Белгиланган куни 200 АҚШ доллари ва 300 минг сўм пул кимёвий ишловдан ўтказилиб, иш хонасида Эгамназар Ғойибназаровга берилди. Уларни ўз қўли билан санаб олган фирибгар домла қўлга тушди...

Наманган Давлат университети маркетинг бўлими бошлиғи Анвар Фахриддиновнинг қалтис ҳаракати ҳам Эгамназар домланикидан қолишмайди. 2002 йилнинг сентябрь ойида у хонасида ёлғиз ўзи ўтирган эди, эшикни очиб бир нотаниш аёл кирди.

— Мен андижонлик Ёқутхон бўламан, — дея ўзини таништирди у.

— Қандай хизмат бор эди? — сўради Анвар ундан.

Шундан кейин аёл домлага юрагини очиб, ўғли Бобур 2-3 йилдан буён ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киролмаётганидан нолиди.

— Тўғри, бу факультетга кириш осон эмас, — сўз қотди Анвар аёлга димоқ билан. — Бироқ сизга бир яхши гап айтаман. Ушбу факультетга ўқишга кирган баъзи ёшлар контракт пулини тўлай олмай кетиб қолишади. Уларнинг ўрнига ўғлингизни олиш мумкин.

— Қандай қилиб? — Аёлнинг юзига нур ёғилди.

— Ўғлингиз аввал университетимизнинг ҳуқуқ-маънавият факультетига ўқишга кирсин. Биринчи курсни тамомлагач, уни албатта ҳуқуқшунослик факультетига ўтказиб қўяман.

Шундан сўнг у Ёқутхоннинг уй телефони рақамини ёзиб олиб, сим қоқиб туришга ваъда берди. 2002 йил октябрида ростданам телефон қилиб, университетга бирров келиб кетишини сўради. Ёқутхон турмуш ўртоғи Абдуманноб ака билан бирга дарҳол етиб келди.

— Гап бундоқ, — ўзини жиддий тутиб деди Анвар эр-хотинга, — ўғлингизни ҳуқуқ-маънавият факультетидан ҳуқуқшунослик факультетига ўтказиш жуда мураккаб муаммо. Бунинг учун 1000 АҚШ доллари тўлайсиз. Ҳозирча 500 доллар бериб турасиз, қолганини иш битгандан кейин келтирасиз.

Эр-хотин иши юришганидан хурсанд бўлиб уйга қайтишди. Анвар ноябрь ойида Ёқутхонга телефон қилиб 500 АҚШ долларини Балиқчи туманидаги «Чинобод» шоҳбекатига келтиришини буюрди. Аёлни шу ерда «Тико»да кутиб турди. Пулни олгач, Наманган томон қўён бўлди. Шу тариқа андижонлик Ёқутхон алдоқчи домланинг гапига кириб ҳали тест синовидан ўтиб, ўқишга кирмаган фарзанди учун харж қилишни бошлаб юборди.

2003 йили Бобур ўз кучи билан тест имтиҳонини муваффақиятли топшириб, ҳуқуқ ва маънавият факультети талабаси бўлди. Айни ўша кезлари Анвар яна Ёқутхонга сим қоқиб, тезда «Чинобод» шоҳбекатига 1500 АҚШ доллари келтиришни сўради. Ушбу учрашув давомида тарафлар тортишиб қолишди. Ёқутхон «Келишув бўйича 1000 АҚШ доллари бўлиши керак, нега яна 1500 АҚШ доллари сўраяпсиз?» деса, Анвар «Сиз яхши тушунмабсиз, ўқишга киргизиш 5000 АҚШ доллари бўлаяпти, опажон», дея туриб олди. Шунда Абдуманноб ака ёнидан 100 АҚШ долларини чиқариб домлага берди. Орадан маълум вақт ўтгач, Ёқутхон домла билан ҳуқуқшунослик факультети биноси олдидаги фонтан атрофида учрашди ва унинг чўнтагига турмуш ўртоғидан яшириб келтирган 1000 АҚШ долларини солиб қўйди.

Анвар шундан кейин ҳам тузоғига тушган мижозларга телефон қилишни тарк этмади. 2003 йилнинг декабрь ойида улардан «Чинобод» шоҳбекатида «Переводга ҳужжат тайёрлагани Тошкентга кетаяпман», деб 1000 АҚШ долларини хамирдан қил суғургандек олди. 2004 йил апрелида яна Ёқутхондан олинган 400 АҚШ долларини чўнтагига урди.

Шундай қилиб, эр-хотиннинг фирибгар домлага ўғлини ҳуқуқшунослик факультетига ўтказиб қўйиш учун берган маблағи 3000 АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ уларнинг ҳамма ҳаракатлари зое кетди. Домла ваъдага вафо қилмади. Сабр косаси тўлган эр-хотин домладан ҳеч бир натижа чиқмаслигига тўла ишонч ҳосил қилишгач, ундан 3000 АҚШ долларини қайтаришни талаб қилишди. Анвар эса бош тортди. Охир-оқибат унинг фирибгарлиги эр-хотин Ёқутхон Тўрабекова ва Абдуманноб Аҳмадалиевларни Наманган вилояти ИИБга мурожаат этишига сабаб бўлди...

Савол туғилади: Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти ва Наманган Давлат университетида ишлаётган, қолаверса, раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган Эгамназар Ғойибназаров ва Анвар Фахриддиновларга нима етмаяпти ўзи? Айни пайтда ўз фарзандларини пора эвазига ўқишга киритишни ўйлаган ота-оналар хатти-ҳаракати ҳам кишини ўйга толдиради. Наҳот эгри йўллар орқали ўқишга кириб мақсадга эришиш мумкин бўлса?!

Акмал ҲОЖИЕВ,
Наманган вилояти ИИБ тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари,
Эркин ҚАМБАРОВ,
журналист.

Жиноятга қарши мулоҳазалар

«American Express» чеклари шахсий «нақд пулларингиздир»

Ўз имзоингиз — энг яхши темир жавон!

Чет эл сафарига чиқмоқчимисиз?
Унда пулларингизни «American Express» чекларига конвертацияланг!

«American Express» йўл чеклари — сафар ва саёҳатлар чоғида нақд пулларининг сақланишидан ташвишланаётган кишилар учун яратилган.

Улар нақд пуллардан кўра кўпроқ афзалликларга эга — йўл чекларини чекланмаган миқдорда Ўзбекистондан олиб чиқиб кетиш мумкин.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин.

Йўқотилган ёки ўғирлатилган тақдирда сизнинг чекларингизни эмитент (одатда, 24 соат мобайнида) тиклаб бериши мумкин.

Уйда сақланадиган «American Express» чеклари — нақд пулларнинг уйда бехатар сақланиши учун махсус ишлаб чиқилган. Уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган, шунинг учун ҳам сиз уларни истаганингизча узоқ муддат уйда сақлашингиз ва мерос қолдиришингиз мумкин.

«American Express» чеклари «American Express»нинг бутун дунё бўйлаб жойлашган 86.000 дан ортиқ валюта алмашув бюроларида ёки 1.700 ваколатхоналарида (келинган мамлакат валютасига) воситачилик ҳақи тўланмаган ҳолда нақд пулга алмаштирилади.

Чет эллардаги кўплаб меҳмонхоналар, дўконлар ва ресторанларда тўлов учун қабул қилинади.

«American Express» чекларини АҚШ долларида ҳам, еврода ҳам Миллий банкнинг яқин ўртадаги муассасасида харид қилиш мумкин.
Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
134-14-14, 135-42-83 www.nbu.com
Йўқолган чекларни тиклаш хизмати телефони: (495) 933-84-30 www.amex.ru

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарманинг Наманган вилояти бўлими Кенгаши раиси
Раҳим АКРАМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Хўжалик ҳуқуқи ва жараёни кафедраси профессори, ю.ф.д. Омонбой Оқиловга онаси
ТУРҒУНОЙ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ жамоаси катта илмий ходим, биология фанлари номзоди Ўлбосун Жапаковага онаси
Угулжан ая ЖАПАКОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Наманган вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси раиси Собиржон Обидхоновга падари бузруквори
ОБИДХОН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Умумий кимё кафедраси доценти Бахтиёр Ҳасановга акаси
Ўлмас ҲАСАНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекфильм» ОАЖ жамоаси «Динар» манзарали суратга олиш майдони бошлиғи Акбар Зокиржоновга онаси, бинолар, қурилмалардан фойдаланиш ва моддий техника таъминоти бошқармаси бошлиғи Тўлаган Назаровга опаси
Жумагул ЗОКИРЖОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Мятбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳих — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 12345